

# Иссиқлик таъминоти: муаммо ва ечим

*Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифати қанча ошса, аҳолининг турмуш тарзи шунчалик яхшиланади. Ушбу тармоқнинг ривожи бир пайтнинг ўзида мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ўсиши ва инвестициялар жалб қилиш учун муҳим шарт-шароитлар яратишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.*

Шу боис ҳам, коммунал жабҳага оид вазифалар ижросини таъминлаш борасида истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш ушбу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.


Республикада фаолият юритаётган аксарият қозонхоналар асосан табиий газда (80,6 фоиз) ҳамда қаттиқ ёқилғи (13,3 фоиз) ва суюқ ёқилғида (6,1 фоиз) ишлашга мўлжалланган. Республикада ҳар хил қувватдаги 1991 йилгача қурилган 2300 га яқин қозонхона мавжуд бўлиб, уларнинг эскириш даражаси 70 фоизни ташкил этади. Айрим ҳудудларда эса, қозонлар 1950–1960 йилларда ўрнатилган ва уларнинг фойдалилик даражаси (белгиланган меъёр 75 фоиз) ҳақиқатда 50–65 фоизни ташкил этади. Қозонларнинг, магистраль ва тақсимловчи иссиқлик қувурларнинг ҳамда кўп хонадонли уйларнинг иссиқлик тизимлари ва ускуналарининг эскирганлиги сабабли 1 Гкал иссиқлик қувватини ишлаб чиқишига сарфланадиган ёқилғи белгиланган нормадан 1,5 баробарга ошиб кетиш ҳолатлари кузатилган. Йирик шаҳарларда иссиқлик қувурларининг меъёрдан ортиқ ишлатилгани, иссиқ сувнинг аҳоли томонидан сабабсиз оқизиб юборилиши, тизимни совуқ сув билан тўлдириб ту-

риш холатлари кузатилмоқда.

Республикамизнинг кўплаб шаҳарларида иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича кўрсатилаётган хизматлар сифати сўнгги йилларда ёмонлашган, айрим шаҳарларда эса аҳолига бундай хизматлар умуман кўрсатилмайди. Ижтимоий соҳа обьектларининг, яъни мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, қишлоқ тиббиёт пунктларининг ички иситиш инфратузилмаси замон талабларига жавоб бермайди. Бу муассасаларда соғлиқ учун заарарли кўлбола иситиш печлари, сертификати бўлмаган ишончизиз ва қиммат воситалардан фойдаланилмоқда, хусусан кўмир печлари, шулар жумласидандир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги “2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-3012 сонли қарори асосида бюджет ташкилотларида 17 мингдан зиёд энергия истеъмоли жиҳатидан самарадор иситиш қозонларини ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мамлакат бўйича 1217 та энергия самарадор қозонхоналари, жумладан, гелиоқурилмали қозонхоналар қуриш режалаштирилмоқда. Улар





иссиқлик таъминотини яхшилаш ва 153 108 та хонадонга эга 4 929 та уйни иссиқ сув билан таъминлаш имконини беради. Яна 140 392 та хонадоннинг муаммолари хонадон ичida алоҳида сув иситиш ускуналарини ўрнатиш ҳисобига ҳал қилинади.

Бундан ташқари, марказий иссиқлик таъминоти тизимидан узилган кўп хонадонли уйларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш мақсадида 14 000 та хонадонга икки контурли индивидуал иситиш тизими ўрнатилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри "Регистон" ва "Аэропорт" қозонхоналарига ишлаб чиқарувчи "Теплодар Тошкент" МЧЖнинг "КВА-250" ва "КВА-1000" русумли замонавий энерготежамкор қозонлари ўрнатилди.

Бундан ташқари, энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш ва кўп хонадонли уй-жой фонди, ижтимоий ва бошқа объектларнинг номарказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш мақсадида Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида 5 та замонавий модул қозонхоналари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қўрилаётган чораларнинг самарадорлиги мухимдир. Инновация асбоб-ускуналарининг тажриба тарзида қўллашдан натижалар ижобий кутилмоқда. Хусусан, пойтахтнинг Мирбод туманида автоном қозонхона ва қуёш сув иситкичларига эга гибрид тизим ўрнатилди. Чирчиқда ва Бекободда муаммолар хонадон ичida энергия самарадор иссиқ сув таъминоти ва иситиш приборлари ўрнатиш йўли билан ҳал қилинган тажриба уйлари бор. Марказлаштирилган иситиш ва иссиқ сув таъминоти тизими бўлган жойларда мавжуд иссиқлик таъминоти асбоб-ускуналари ва тармоқларини модернизация қилиш хизматлар сифатини сақлаб туришга кўмак беради.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига иссиқлик таъминоти масаласида фуқаролар-

дан кўплаб мурожаатлар тушмоқда. Жумладан, шундай мурожаатлардан бири ёзги мавсумда иссиқ сув ҳароратининг пастлиги билан боғлиқ.

Бу муаммога қуидагича изоҳ берамиз:

Иссиқлик тизими очиқ тизим асосида амалга оширилади, ёзги даврда иссиқ сув таъминоти битта қувур бўйича ишлайди. Шу сабабли, иссиқлик тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари таъмирлашга чиқарилган қувурда навбатма-навбат амалга оширилади.

Иссиқ сув истеъмолчиларга иссиқлик манбаларини режали тўхтатишларини (иссиқлик манбалари жиҳозларини таъмирлаш учун): иситиш мавсумидан кейин 5 кун ва иситиш мавсумидан 5 кун олдин ҳисобга олмагандан узлуксиз узатиб берилади.

Сув ҳар доим иссиқ бўлиши учун иссиқ сувнинг циркуляцияси (линия рециркуляция) сочиқ қуригич орқали ўтиши лозим.

Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига "Бино ва хоналарнинг ванна ва душларига доим исиб турувчи сочиқ қуригичларни ўрнатишни кўзда тутиш керак. Сочиқ қуригичларни марказлашган иссиқ сув таъминоти тизимларига улашни фақатгина иссиқ сув оқиб турувчи сочиқ қуригичларни доимий иссиқлигини таъминловчи схема бўйича кўзда тутиш лозим".

Кўп хонадонли уйлардаги мукаммал таъмирдан сўнг сочиқ қуригичлар кесиб ташланиши ёки иситиш тизимида уланганлиги сабабли иситиш даврида иссиқ сув циркуляцияси бўлмайди, у совиди ва истеъмолчилар томонидан ҳаққоний эътиrozларни келтириб чиқаради.

Яъни, иситиш мавсумида ишлаётган циркуляция линиясида сувнинг совиб қолиши билан боғлиқ бўлган муаммолар бўлмаслиги керак, бироқ шаҳардаги кўп хонадонли уйларнинг сезиларли қисмида циркуляция линияси йўқ ва уларни Ҳужмш кучи билан қайта тиклаш керак.

Бундан ташқари, иситиш даврида кўп хонадонли уйлардаги циркуляция линияси ишлаётган вақтда циркуляция фақатгина сувни ажратиш вақтида содир бўлади, у йўқ бўлгандан (тунда) эса иссиқ сувнинг совиши содир бўлади.

Бугунги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг энг мақбул йўллардан бири бу иссиқлик тизимини очиқ тизимдан ёпиқ тизимга ўтказиш. Бунда ҳар доим иссиқ сув циркуляцияси мавжуд бўлиб, истеъмолчиларда индивидуал ва марказий иссиқлик пунктларини ўрнатиш орқали амалга оширилади. Юқорида келтирилган муаммолар олди олинади.

**Джонрид МИРЗАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Уй-жой  
коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги  
Иссиқлик таъминоти объектларидан  
фойдаланиш бўлими бошлиғи.**